

Sharq filologiyasi fakulteti
5A120101- Adabiyotshunoslik
(sharq tillari va tadqiqot yo'nalishlari bo'yicha)
Mutaxassisligi: 2-kurs magistranti
Saydalieva Nigora
Ilmiy rahbar: f.f.d., dots. Muhibova U.

Хитой топишмоқ хикоялари

Топишмоқ жаҳондаги барча халқларнинг оғзаки ижодида учрайдиган жанрлардан бири бўлиб, у қадимий ва оммавий жанр ҳисобланади. Топишмоқда инсонни қуршаб олган табиат, борлиқдаги нарсалар ва ҳодисалар жамият тараққиётининг турли босқичларидаги кишилар тафаккури даражасида тушунилган ва шу жанрга хос бўлган бадиий шаклда акс эттирилган. Топишмоқлар ўзининг мазмуни, композицион қурилиши ва тузилиши жиҳатдан **хилма-хил бўлади.**

Хитой топишмоқларининг келиб чиқиши қадимги Хитой халқининг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлиб, минг йиллар давомида ривожланган ва Хитой миллати ҳамда маданиятининг ақлий бойлиги сифатида намоён бўлган. Топишмоқлар қадимдан инсонларнинг фикрлаш қобилятини ривожлантириш, уларнинг ақлий салоҳиятини ўстиришга ёрдам бериш, уларни тарбиялаш ва ҳаётий муаммоларни тушуниш ва таҳлил қилишга ўргатиб келади. Масалан, қуйидаги топишмоққа эътибор қаратайлик:

一座弯弯桥，	Бир қийшиқ кўприк，
造在晴天里。	Очиқ ҳавода қурилган.
七色呈异彩，	Етти хил ранг ялтирар，
都夸好手艺。	Ҳамма санъатни мақтар.
谜底：彩虹	Жавоби: Камалак

Кўриб турганимиздек, ушбу топишмоқ асосида яширинган нарса камалак бўлиб, камалакнинг кўпгина хусусиятлари акс эттирилган. Бу эса болалар ва умуман инсонлар тафаккур қобилятини ўстириш, уларни ҳозиржавобликка ўргатишда катта аҳамият касб этади.

Хитой халқ адабиётига хос бўлган топишмоқ-хикоялар ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, топишмоқ-хикоялар ўйин сифатида қўлланилади. Ҳикоя-топишмоқда оддий топишмоқлар мураккаб тарзда, яъни хикоя тарзида баён этилади ва бу ўз ўрнида болалар ва ўсмирларнинг ривожланишида, уларни ақлий тарбиясида катта аҳамият касб этади.

Қадимги Хитойнинг машҳур одамларидан 曹操 (Cao Cao) топишмоқларида болаларни ўқитиш, тарбиялаш, ўйинлар ўйнаш ҳақида маълумотлар берилган. 李伯(Ли Бо) топишмоқ ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: “无人偷之谜，杜甫智接刁县今的药方之难，王安石与好友饮酒财

迷以及唐伯虎等四大才子之间精彩斗文，等等”¹。Таржимаси: “Ҳеч ким топишмоқларни бировлардан ўғирлай олмайди, Ду Лу²нингаклий топишмоқ ёзиш усули жуда қийин, Ванг Ан Ши³ ва унинг яқин дўстлари май ичиб топишмоқлар тўқиб, жавобларни ахтаришган”. 唐伯虎 (Танг БоХу) ва бошқа бир қанча хитой олимлари ва буюк инсонлари бундай ҳикоялар болалар ҳаётида олам, инсон, табиат, атроф-муҳит ва умуман ҳаёт мактабини ўрганишга кўмак беради, деб биладилар.

Шуниси эътиборга молиқки, хитой топишмоқ ҳикояларининг композицион тузилиши ҳам ўзига хос бўлиб, аксарият топишмоқ-ҳикояларнинг бошланиш қисмида қадимги Хитойнинг машҳур олим ва шоирлари, подшоҳлар, вазирлар, қабила бошлиқлари, турли давлат арбоблари ва бошқа оддий одамлар ҳаётида юз берган бирон бир тарихий воқеа ёки ҳодиса, уларнинг фазилатлари, ақлий салоҳиятлари тасвирланиб, кейин улар иштирокидаги топишмоқ баён этилади. Бундай топишмоқ-ҳикояларнинг бошланишида, ҳаттоки, бу олим, подшоҳ, вазир ва бошқаларнинг яшаган ёки ҳукмронлик қилган даврлари санаси ҳам келтирилган. Масалан, қуйидаги топишмоқ ҳикояга эътибор қаратайлик:

王勃逛街

王勃（约 650 - 676），字子安，降州龙门（今山西河津）人。唐代诗人，与杨炯，卢照领，骆宾王齐名，并称“初唐四杰”。

一年，王勃到达南昌时，正是重阳佳节。南昌街头，繁花似锦，热闹非凡。王勃边走边欣赏着店铺门前的楹联，只见一家门前写道：

志在济人，广被，
功推御暴，晴雨皆宜

王勃看完后，心中不由的暗暗称好。走着走着，王勃又被另一家电门前的楹联吸引住了，于是停下脚步欣赏起来，那楹联是：

试倾王府千春饮，
为济人间万古愁
王勃禁不住赞叹道：“妙！妙！妙！”

这两副楹联正是隐喻两家所卖之物。第一家店铺是卖伞的，而第二家是卖酒的。⁴

Таржимаси:

Ванг Бо кўчани айланмоқда. Ванг Бо тахминан 650 – 676 йилларда яшаган бўлиб, унинг ҳақиқий исми Зи Ан эди. У Жянг Жоунинг Лонгмен (ҳозирги Шанси провинциясининг Хежин) шаҳридан бўлган. У Тан даврида яшаган шоир, **машҳур бошлик** ва Тан сулоласининг буюк намояндаси бўлган.

¹谜语故事- kitobi, 时代出版黄山书社-北京-2014年，7 – 页。

²Ду Лу – хитой топишмоқлари устаси

³Ванг Ан Ши – хитойёзувчиси

Бир йили Ванг Бо Нанчанг шахрида “Иккита тўққизлик байрамига” борди. Нанчанг кўчаларида, гуллар худди ипакдек очилган, кўчалар шовқинли эди. Ванг Бо айланиб юриб дўконларнинг эшигида ёзилган ёзувларни томоша қилиб кетарди. Бир эшикда унинг кўзи қуйидаги ёзувга тушди:

Интилган инсонга ёрдам бериш керак,

Совуқ, очик ҳавода ҳам ишлаш керак.

Ванг Бо бу ёзувни ўқиб, худди устига қора булут келгандек бўлди. У юришда давом этиб, бошқа эшикда ёзилган ёзувга кўзи тушди ва тўхтаб уни ўқиди:

Баҳорда қирол саройида баҳор майи қуйилди,

Инсонларорасида чексиз қайғусизлик ҳукм суради.

Ванг Бо бундан завқланиб: “Ажойиб! Зўр! Зўр!” деб бақирди⁵.

Кўриб турганимиздек, топишмоқ ҳикоя бошида 650 – 676 йиллар даяшаган Ванг Бонинг шоир, машхур бошлиқ ва давлат арбоби бўлганлиги, унинг ҳақиқий исми, қайси шаҳарданлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Бундан шундай хулоса чиқадики, Ванг Бо ўтмишда бўлган реал инсон.

Мазкур топишмоқ ҳикояда иккита топишмоқ келтирилган. Биринчи эшикда “Интилган инсонга ёрдам бериш керак, совуқ, очик ҳавода ҳам ишлаш керак”, деб ёзилган ёзувдаги топишмоқда ўша жойда соябон сотилаётганига ишора қилинаётган бўлса, иккинчи эшикдаги “Баҳорда қирол саройида баҳор майи қуйилди, инсонлар орасида чексиз қайғусизлик ҳукм суради” деган ёзувдаги топишмоқда ароқ сотилишига ишора қилинмоқда. Мазкур топишмоқларда ўйлаб топилиши лозим бўлган нарса бошқа бир нарсага турли томондан таққосланган. Шу хилда бир предметга хос бўлган белгилар бадий образларда ифодаланиб, топишмоқдаги нарсанинг яшириниш замини намоён этади.

Биринчи топишмоқда совуқ, очик ҳавода, яъни ёмғир ёки қор ёғса ҳам ишлаш ва бу иш фаолияти давомида соябондан фойдаланиш лозимлиги ҳақида сўз юритилиб, бундай ҳавода ишлаган одамлар интилувчи инсонлар эканлиги ва уларга ёрдам бериш, яъни соябон билан ёрдам бериш назарда тутилмоқда. Иккинчи топишмоқда эса, баҳор ойида подшоҳ саройида катта баҳорги базм ўтказилиб, унда одамлар май ичиб, маст бўлиб, ўз ғам-ташвишларини унитиб, хурсандчилик қилишлари ҳақида сўз кетаяпти.

Кўриб турганимиздек, бу топишмоқ ҳикояларда эшикларида ёзувлар ёзилган уйларда савдо-сотиқ ишлари қилиниши ва улардан бирида соябон, иккинчисида ароқ сотилиши поэтик кўчим, яъни метафора усули орқали ифода этилмоқда.

Ушбу топишмоқ ҳикоя бошида асосий баёндан биров узоклашиш, яъни бир жумладан иборат лирик чекиниш ҳам мавжуд бўлиб, унда Ванг Бо айланаётган кўча ҳақида “Нанчанг кўчаларида гуллар худди ипакдек очилган, кўчалар шовқинли эди”, деб айтилади. Бу ҳам ўз ўрнида топишмоқ ҳикоянинг ўзига хос

⁵Хитой тилидан таржима мақола муаллифига тегишлидир.

композицион тузилишини кўрсатади. Бу лирик чекиниш Ванг Бонинг ички кечинмаси ва ҳис-туйғулари билан боғлиқ бўлиб, бу бир жумла орқали биз Ванг Бонинг, ёки топишмоқ ҳикоя муаллифининг ўша вақтдаги кўтаринки кайфиятидан воқиф бўламиз.

Шундай қилиб, Хитой топишмоқ ҳикоялари катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, улар болалар ва ўсмирларди нафақат қадимги топишмоқларнинг жавобини топиш усулини ўргатади, таҳлил қилишга ёрдам беради, балки қадимги хитой тарихини ўрганиш ва ақлий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланишга катта замин бўлади.

Хитой топишмоқ ҳикояларнинг композицион тузилиши ҳам ўзига хос бўлиб, улар баъзи одамлар ҳаётида юз берган бирон бир воқеалар, бу кимсаларнинг фазилатлари, ақлий салоҳиятлари, улар яшаган ёки ҳукмронлик қилган даврлари санаси ҳам келтирилгандир.

Топишмоқ ҳикояларда поэтик кўчим, яъни метафора ва лирик чекиниш каби бадиий услублар қўлланилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 谜语故事- kitobi, 时代出版黄山书社-北京-2014 年, 7 –页。
2. Носиров Ў. Образларда услуб хусусиятлари. Т. 1991.
3. Шаронов А. Оламлар ичра оламлар. Рисола. Т. 1978.